

2019

RELIGIOUS-PSYCHOLOGICAL ISSUES VIEWS OF Z.FREUD

Xo'jageldi Alimov

HEAD SCIENTIFIC AND METHODOLOGICAL CENTER

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu>



Part of the [Arts and Humanities Commons](#)

Recommended Citation

Alimov, Xo'jageldi (2019) "RELIGIOUS-PSYCHOLOGICAL ISSUES VIEWS OF Z.FREUD," *The Light of Islam*: Vol. 2019 : Iss. 2 , Article 9.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu/vol2019/iss2/9>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in The Light of Islam by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

Хо'jageldi ALIMOV,
psixologiya fanlari nomzodi,
 OO'MTV huzuridagi Bosh ilmiy-metodik markazi

3.ФРЕЙД ҚАРАШЛАРИДА ДИНИЙ- ПСИХОЛОГИК МАСАЛАЛАР

РЕЛИГИОЗНО-ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ВОПРОСЫ ВО ВЗГЛЯДАХ З.ФРЕЙДА

RELIGIOUS-PSYCHOLOGICAL ISSUES VIEWS OF Z.FREUD

Калит сўзлар: *атеизм, психоанализ, Ота Худо образи, сублимация, невроз, нафс, компаративистик ёндашув, шахвоният, сўфизм, гайришуурий ҳодисалар.*

Ключевые слова: *атеизм, психоанализ, образ Отца Бога, сублимация, невроз, нафс, компаративистический подход, сексуальность, суфизм, сверхестественные явления.*

Key words: *atheism, psychoanalysis, the image of God the Father, sublimation, neurosis, nafs, comparativistic approach, sexuality, sufism, supernatural phenomena.*

Диннинг пайдо бўлиш сабаблари ва моҳияти З.Фрейдни доимо қизиқтириб келган. У ўзининг бир қанча китобларида, масалан, «Тотем ва табу», «Мусо ва монотеизм», «Бир иллюзиянинг келажаги» асарларида дин масаласини кўтариб, бунга материалистик ва атеистик нуқтаи назардан ёндашади.

З.Фрейднинг диний қарашлари соф атеистик заминга қурилган. Унинг ўзи бу ҳақда шундай деган эди: «Агар мен дин масаласидаги қарашларимни бундан анча илгари, масалан, инквизиция даврларида айтганимда эди, инквизиторлар мени тириклай гулханга ташлаган бўлар эди». Чунки унинг диний қарашларида илоҳиёт масаласига материалистик нуқтаи назардан ёндашилган. Унинг диний қарашларини учта даврга бўлиб ўрганиш мумкин. Фрейд ҳар бир даврда динга нисбатан турли хил қарашларни баён этади.

Биринчи даврда, Фрейд томонидан дин болада отанинг ўрнига Худо тасаввурининг пайдо бўлиши сифатида талқин қилинади. Эмишки, бола учун ота чексиз куч-қудрат рамзи ҳисобланади. Бола каттара борар экан, отасининг ҳам камчиликларга эга эканлигини, унинг ҳам имконияти чекланганини, ожизлигини англай боради. Шунда болада мукамал,

ҳар нарсага қодир, камчиликлар кузатиламайдиган зотга нисбатан эҳтиёж пайдо бўлади. Бу эҳтиёж болада Ота Худо образини яратади ва энди у ўшанга эътиқод қилади.

Иккинчи даврда, Фрейд динни сублимация сифатида тушунтиришга ҳаракат қилади. Диндаги ибодат, тавба-тазарру, дуолар аслида, сублимация эмиш, яъни инсон дин ёрдамида ва тасаввурда пайдо бўлган Худонинг ёрдам беришига ишонган ҳолда ўзидаги асабий ҳолатдан қутилар эмиш.

Фрейд «Бир иллюзия келажаги» асарида динни миядан кетмайдиган ҳолатларнинг (навязчивые состояния) жамоавий неврози деб тушунтиради. Бу ҳолатни тиббиётда шундай изоҳлайди: миядан кетмайдиган неврозда беморда ўта сержаҳлик, ўта чарчаганлик, ҳаддан ошиқ уйқусизлик, иш қобилиятининг сусайиши ҳолатлари кузатилади. Касалликнинг мияда ўрнашган ҳолатлари уч хил кўринишда бўлади: а) фикрлар кўринишида: беморнинг миясига бирорта фикр келади-ю, умуман ундан қутила олмайди (одамнинг миясида Худо образи туриб қолади ва у муттасил ҳолда фақат шу ҳақда ўйлайди, четдан келадиган турли фикрларни ҳам фақат мана шу образ призмасидан ўтказди); б) ҳаракатлар кўринишида: бемор маълум бир ҳаракатни тўхтовсиз амалга ошираверади (мас., бетўхтов қўлини ювади, сочини кесади ва ҳ. Одам қандайдир стереотип ва маънисиз ҳаракатларни мажбуран такрорлайди. Ибодатлар ва турли ритуаллар шулар жумласига киради); в) ваҳима кўринишида: бемор доимо қандайдир ваҳима билан яшайди (мас., уни ўлдириб қўйишадигандек бўлаверади. Ёки одам Худонинг олдида қачондир ҳисоб-китоб қилиниши ваҳимаси билан яшайди). Фрейднинг фикрига кўра, дин – бу инсоннинг миясида кетмайдиган бўлиб, қотиб қолган фикр кўринишидаги невроздир [1; 398 б.].

Психоаналитикнинг таъсири натижасида бемордаги кўплаб симптомлар йўқолади, у изтиробдан фориғлашади. Бу айнан психоаналитик таъсири, ёки врачга бўлган ишончнинг таъсирими, ёки беморнинг ўз-ўзига таъсирининг натижасими, билиш қийин.

С.Жимбинов: «Психоанализ – ярим бадий, ярим илмий таълимот. Шахснинг асоси ҳисобланган илк болалик, унутиланган кечинмалар ва аламлар, ушалмаган орзулар – буларнинг ичида қанчалар шеърият ва донишмандлик бўлиши мумкин эди! Бироқ Фрейднинг қовоқ уйган материализми ва хира атеизми унинг мифологиясини бузуқ ва чўлоқ

Мақолада психоанализ таълимотининг асосчиси З.Фрейднинг диний-психологик қарашлари ҳақида сўз болади. Фрейднинг динга бўлган маносабатининг учта даври ажратиб кўрсатилади. Фрейднинг фикрича, инсон истакларининг бажарилмаслиги неврозни келтириб чиқаради. Шунинг учун унинг нафсининг истакларига тўсиқ бўладиган барча унсурлардан воз кечиш лозим. Бундай унсурларга, масалан, маданият ва дин киради. Фрейдизмнинг хатоларидан бири ҳам нафсга эркинлик бериб юборилишидир. Динда, айниқса тасаввуфда нафс билан ишлаш масаласи батафсил ўрганилган. Нафсни тарбиялашнинг муҳимлиги таъкидланади. Мақолада бир қанча шарқ мутафаккирларининг нафс масаласидаги фикрлари келтириб ўтилади. Мақолада Фрейд қарашларининг тасаввуф қарашларига яқинлиги тўғрисидаги фикрлар кескин танқид остига олинади. Қарашлар ўртасидаги тафовутлар очиб берилади. Тафовутларнинг тўртта жиҳатига алоҳида эътибор қаратилади.

В статье речь идёт о религиозно-психологических взглядах основателя теории психоанализа З.Фрейда. Различаются три периода отношения Фрейда к религии. По мнению Фрейда, невыполнение желаний человека приводит к возникновению невроза. Поэтому он должен отказаться от всех элементов, которые мешают удовлетворению желаний нафс («Эго»). К таким элементам, например, относятся культура и религия. Одна из ошибок фрейдизма заключается в том, что дается свобода действиям нафс («Эго»). В религии, особенно в суфизме подробно рассмотрены особенности работы с нафс. Отмечается важность воспитания нафс. В статье приводятся мысли нескольких восточных мыслителей о вопросах нафс. В статье серьёзно критикуются мысли о близости фрейдовских взглядов взглядам суфизма. Выясняется разница между ними. Особое внимание обращается к четырём аспектам.

This article deals with the religious and psychological views of the founder of the theory of psychoanalysis Z. Freud. There are three periods of Freud's attitude toward religion. According to Freud, failure to fulfill human desires causes neurosis. Therefore, he must abandon all the elements that interfere with the satisfaction of desires nafs («Ego»). Such elements include, for example, culture and religion. One of the mistakes of Freudianism is that freedom is given to the actions of the nafs («Ego»). In religion, especially in Sufism, the features of working with nafs are considered in detail. The importance of nafs education is noted. The article presents the thoughts of several Eastern thinkers about the issues of nafs. The article seriously criticizes the thoughts about the proximity of Freudian views to Sufism. Find out the differences between them. Special attention is paid to their four aspects.

қилиб қўйди» [2; 6 б.]. Яна у фикрини давом эттириб: «Диндор одамнинг ибодати, тавба-тазарруси ва дуолари психоаналитик шахсини мутлақо кераксиз, ҳатто зарарли қилиб қўяди. Бироқ ХХ асрнинг худосизлашган дунёсида врач-психоаналитик ўзига ишониб руҳонийнинг ҳеч бўлмаганда бир бўлак вазифасини ўз зиммасига олади. Психоанализ – тавба-тазаррунинг атеистик пародиясидир» [2; 7 б.].

Психоанализ инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатадиган, нафснинг истаклари, майлларига қарши борадиган ҳар қандай нарсани, жумладан, маданиятини, динни инкор қилади. Маданият ва дин инсон майлларига тўсиқ бўлиб, унинг қондирилиш йўлларига тўғон уради ва инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатади, деган ғоя илгари сурилади.

Аслида, инсон нафси, унинг ичидаги бир борлиқ ички «Мен»идир. Нафс масаласи ислом таълимотида Фрейддан минг йиллар олдин кўтарилган ва ўзининг энг мукамал ечимини топган. Бу соҳада, айниқса, тасаввуф вакиллари жонбозлик кўрсатган. Улар бундан воз кечиш бўлмаслигини англагач, уни тарбиялаш йўлини тутдилар. Нафснинг энг қуйи даражаси «нафси аммора» бўлса, уни тарбиялаб,

босқичма-босқич юксалтириб, «нафси комила» даражасига етказиш механизми ишлаб чиқилган. Улар нафақат назарий жиҳатдан ишлаб чиққан, балки ҳаётида синаб кўрганлар. Фрейд айтган нафс «нафси аммора» бўлиб, унинг истакларини қондириш мазкур таълимот асосида ётади.

Нафси аммора психоаналитик концепциядаги шахс структурасининг Id, Ego ва Super Ego компонентларидан Idга ўхшайди. Маълумки, Id шахс структураси компонентларининг бири бўлиб, у биологик жиҳатдан аниқланган шахснинг барча фаолияти энергия манбаи ҳисобланади. «Оннинг бошқа соҳалари Id дан келиб чиққан ҳолда ривожланишига қарамасдан ўз-ўзича Id содда, примитив ва ташкиллашмаган. «Тафаккурнинг мантиқий қонунларини Id га қўллаб бўлмайди» (Фрейд). ... Id ҳаётий тажриба остида ўзгармайди, чунки у ташқи муҳит билан контактга киришмайди» [3; 36 б.].

А.Азизқулов ўзининг «Хожাগон тариқати ва психоаналитика (тарбия масаласига компаративистик ёндашув)» мақоласида тасаввуф таълимоти билан психоанализни қиёсий таҳлил қилади, яъни компаративистик ёндашувни амалга оширган. Маъ-

лумки, психоанализда инсон руҳияти ақлий-рационал ва онгсиз-иррационал кўринишларда фаолият кўрсатади. Бу таълимот психоанализгача мавжуд эди, бироқ кейинчалик З.Фрейд мазкур таълимотни ривожлантира туриб, уни учта қатламга бўлиб ташлади: «У» («Id»), «Мен» («Ego») ва «Олий Мен» («Super Ego»). Фрейднинг фикрича, «У» онгсиз-иррационал жараёнлар маконидир. «Мен» эса рационал, мантиқий тафаккур фаолияти қатлами ҳисобланиб, «бу қатлам руҳиятнинг қўйи онг остида кечадиган норационалликни, ноонглилик билан боғлиқ бўлган ҳирсиётни ҳам назорат қилади, жамиятдаги ахлоқий меъёрлар билан мутаносиблигини таъминлайди» [4; 75, 140 б.]. Муаллиф шундай деб ёзади-ю, бироқ бироздан сўнг, ўз фикрига мутлақо тескари фикрни илгари суради. У «У» қатлами тўғрисида ёза туриб, шундай дейди: «Инсонда бирор онгли ижтимоий фаолият давомида ҳирсиётга бўлган майлни бартараф этиб ҳам, тарбиялаб ҳам бўлмайди». Бир томондан, «Мен» ҳирсиётни назорат қилади, дейди, иккинчи томондан, онг остини тарбиялаб бўлмайди, деган фикрни илгари суради. Қай бири тўғри? Қолаверса, муаллиф инсон руҳиятининг «Олий Мен» қатламини «шахснинг жамиятда, ижтимоий муносабатларда идеал хусусиятларини намоён этадиган «виждон цензурасидир» [4; 75 б.] деб баҳолайди. Аслида, «Олий Мен» фақатгина «виждон цензураси» билан чегараланмайди. Унга маданият, умуминсоний қадриятлар, турли табулар ва ҳоказолар киради. Бундан ташқари, муаллиф виждон цензураси ҳақида ёзар экан, шундай таъкидлайди: «Инсоннинг комиллик даражасига интилиши руҳиятнинг ана шу қатламида содир бўлар экан» [4; 75 б.]. Бу фикр билан келишиб бўлмайди. Чунки инсоннинг комиллик даражасига интилиши фақатгина виждон цензурасига боғлиқ эмас.

Умуман комиллик кўплаб омиллардан ташқари инсоннинг динга муносабатига ҳам боғлиқ ҳолда кечади. Чунки дин ҳам «Олий Мен»нинг тузулмасига киради. Бироқ З.Фрейд атеист бўлгани боис, у инсоннинг комилликка интилишидаги ролини худди маданиятга ўхшаб салбий, деб баҳолаган. Шу нуқтаи назардан виждон цензураси ва комиллик ўртасидаги алоқа зўрма-зўраки ўрнатилганлиги аён бўлмоқда. Тасаввуфдаги комилликни инсоннинг динга муносабати белгилаб беради.

«Нафс» сўзининг маъноси борасида таниқли олим А.Рустамовнинг фикрларига эътибор қара-

тамыз: «Ҳозирги оддий сўзлашувда «нафс» сўзи баъзан ҳайвонга, асосан, инсонга нисбатан қўлланади ва «нафс» деганда, кишининг ўз жисмоний талабларини қондиришга бўлган интилиши тушунилади» [5; 16 б.].

Нажмиддин Кубро ўзининг «Кўнглим кўзи билан кўрганларим» номли рисоласида «нафс»га рамзий таъриф беради: «Билингим, Аллоҳ таоло нафсни бор нарсаларнинг энг ёмони қилиб яратди. У эса ҳамisha сен билан бўлиб, сенинг уловингдир. Сен унга муҳтожсан. У уйингдаги матолар устида туриб, уларга кўз тикиб турган ўғрига ўхшайди. У шайтоннинг дўсти, барча ёмонликларнинг турар жойидир. Унинг кўп ёмон сифатлари бор: ёмонликни яхши кўриб, яхшиликни ёмон кўради, шариат ва ақлга қарши туриб, истаклар ва ҳаваслар билан келишади. Сен уни тоат ва ибодатга чақирасан. Лекин у осийликка қараб юради» [6; 78 – 96 б.].

Абу Ҳомид Ғазолий шундай деб ёзади: «...Ғазаб ва шаҳватни мўътадил даражада сақлаш шу даражада бўлиши керакки, на ғазаб, на шаҳват ақлдан ғолиб келмасин, уни бўйсундириб қўймасин. Балки, ақл ғазаб ва шаҳватни ўз ҳадида ушлаб турсин. Хулқни ўзгартириш, дегани аслида, шу. Кўп ҳолларда инсон шаҳватга бўйин эгади, ақл ўз идорасини унга топширади. Натижада шаҳват қутириб, бузуқликларга бошлайди» [7; 26 б.].

Бугун ғарб (ҳатто баъзи шарқ) психологлари томонидан тасаввуф таълимотини З.Фрейднинг психоанализи билан боғлашга уриниш кузатиляпти. Бу ҳам психологиянинг муҳим муаммоларидан бири ҳисобланади. Радий Фиш шундай деб ёзади: «Ғайришуурий ҳодисаларни ўрганишда ҳиссий ҳаёт негизларидан бири шаҳвониятга ҳам суянувчи ҳозирги замон психоаналитикарига ўхшаб, сўфий шайхлар шариатда раҳнамо ақл бўлса, тариқатда раҳнамо муҳаббатдир, деб қарашарди. Сўфийлар ҳақиқатни – маҳбуб, маъшуқа, ўзларини ошиқ деб аташларини эсласак, улар ҳиссиётининг маънавиятга ўтишга имкон берувчи психофизиологик ҳодиса – сублимациядан нақадар самарали истифода этганликлари маълум бўлади» [8; 146 б.].

Юқоридаги фикрлардан тўртта хулоса бериш мумкин. Биринчидан, тасаввуф деб аталган ва минглаб йиллар давомида шакланган психологик таълимот билан З.Фрейднинг шахсий кузатишлари маҳсули ҳисобланган концепциясини қиёслаш мантиқан тўғри эмас, деб ҳисоблаймиз. Чунки тасаввуф таълимоти таянган субъектив тажриба би-

лан психоанализдаги тажриба бир-бирига мутлақо мос тушмайди. Иккинчидан, психоанализ замирида Фрейднинг даҳриёна қарашлари ётади. Тасаввуф асосида эса бунинг акси – тавҳид ётади, яъни бу таълимот тавҳид асосида қурилганлиги сабабли ҳам қутбнинг бошқа тарафида туради. Учинчидан, Фрейд шахвониятни тасаввуфдаги нафси аммора даражасида ўрганади ва ундан заррача ҳам чиқиб кетмайди. Тасаввуфда назарда тутилган муҳаббат илоҳий характерда бўлиб, конкрет бир шахсга эмас, балки Аллоҳга йўналтирилган. Бу нафси комила босқичидаги нафс хусусияти ҳисобланади. Тўртинчидан, илоҳий муҳаббатни сублимация деб таърифлаш, ишқнинг бу кўринишига, маълум маънода, ҳақорат, деб ҳисобласа бўлади.

Шарқ психологиясининг асосчилари аввало, тасаввуф аҳли, сўфийлар эди. Ҳатто айтиш мумкинки, ҳар бир авлиё ўзига хос психолог, психотерапевт, психоконсультант, психоаналитик эди. Улар чиқарадиган хулосалар, уларнинг муолажа усуллари, улар берадиган маслаҳатлар, руҳий таҳлиллар руҳ билан психика, руҳ билан тана, психика билан тана ўртасидаги уч ёқлама муносабатларни инобатга олиш нуқтаи назаридан амалга оширилар эди. Ғарб психологиясининг камчилиги руҳнинг инсон психологиясидаги ва физиологиясидаги ўрнини кўра билмаслигидадир. Доктор Томас Х.Элмор бу ҳақда шундай деб ёзади: «Ғарб психологияси тана, эго ва маданият билан чегараланиш тенденциясига эга» [9; 254 б.].

Р.Фрейджер ва Дж.Фейдимен Шарқ ва Ғарбда яратилган шахс назарияларини қиёслаган ҳолда хулоса чиқаришади: «Бу системалар (шахснинг шарқона назариялари – Х.А.) ҳақиқатдан ҳам кўплаб шахснинг ғарбона назарияларидан қадриятларга ва ахлоқий масалаларга қизиқишнинг ошиши ва маълум маънавий-руҳий нормалар билан мос ҳолда ҳаёт кечириш мақсадга мувофиқ эканлигига эътиборни қаратиши билан фарқланади».

Шу ўринда нафс ва тасаввуф тўғрисидаги фикрларимизни мухтасар қиламиз. Фақат айтмоқчи эдикки, Фрейд Шарқнинг буюк психологлари – тасаввуф аҳли асарлари билан танишганида, балки ўзининг таълимотини бошқачароқ қурган бўлармиди?..

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Sumerki bogov/ Sos. I obsh. Red. A.A.Yakovleva: Perevod. – M.: Politizdat, 1990. – 398 s.
2. Zigmund Fryeyd. YA i Ono. – M.: MPO «MYETTEM», 1990. – S. 54.
3. Freydjer R., Feydimen D. Bol'shaya kniga psixologii. Teorii, uprajneniya, eksperimenti / Robert Freydjer, Djejms Feydimen/ Per. s angl. – SPb.: Praym-YEVROZNAK, 2008. – 704 s.
4. Azizqulov A. Xojagon tariqati va psixoanalitika (tarbiya masalasiga komparativistik yondashuv). // «Orif Deggaroniy – Markaziy Osiyo tasavvuf ta'limotining buyuk valiyisi» mavzusidagi respublika ilmiy-nazariy konferentsiya materiallari. 2007 yil 29 may. – Navoiy: 2007. – 140 bet.
5. Rustamov A. So'z gavhari. Birinchi daftar. – T.: «Xazina», 1995. – 43 b.
6. Najmiddin Kubro. Ko'nglim ko'zi bilan ko'rganlarim. /Juzjoniy Abdulhakim Sha'riy. Tasavvuf va inson. – T.: Adolat, 2001. –78–96 betlar.
7. Abu Homid G'azzoliy. Riyozatun-nafs (Nafs tarbiyasi), (arab tilidan tarjima). Tarjima va so'zboshi muallifi filologiya fanlari nomzodi Rashid Zohid. – T.: Movarounnahr, 2006. – 80 b.
8. Fish Radiy. Jaloliddin Rumiy: tarixiy biografik roman. – T.: Adabiyot va san'at nashriyoti, 1986. – 282 b.
9. Tomas X.Elmor. Sufizm i psixologiya. – M., SPb. «DILYA», 2005. – 254 s.

